



Қизил хурмони нави

Қизил хурмони. Ўзбекистон бўйича районлаштирилган. Бошини узунлиги 19-21 см, кенглиги 14-16 см, ўрта тиғиз. Меваси йирик (узунаси 20-25 мм, кенглиги 15-18 мм), пушти рангда. Ҳосилдорлиги 140-150 ц/га. Касалликларга ўрта чидамли. Ўрта даражада шўрланган тупроқларда яхши ўсади ва ҳосил беради. Узум бошининг ўртача вазни 200-250 г, узум донасини оғирлиги 4-5 г.



Нимранг нави

Нимранг. Боши катта (узунаси 20-23 см, кенглиги 12-15 см). Меваси йирик (узунлиги 22-25 мм, эни 18-23 мм), оч-сарик. Тами ўзига хос. Нимранг сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида тўлиқ етилади. Ҳосилдорлик 9-20 т га боради. Узум бошининг ўртача оғирлиги 600 г (энг катталари 1,2-1,5 кг). Нисбатан қурқоччиликка ва совуққа чидамли. Тўлиқ пишганда қанд миқдори 23-25%, кислоталилиги 5-6% ни ташкил этади. Ташиш ва сақлашга қулай. Селекция иши учун қимматли материал ҳисобланади.



Оқ кишмиш нави

Оқ кишмиш. Нав Ўзбекистон бўйича районлаштирилган. Боши ўрта катталиқда (17x10 см). Меваси майда, тухумсимон (12x11 мм). Истеъмол даврларида қанд моддаси 18-19%, кислоталилиги 7-8 г/л, қуритиш учун қанд 24-26% бўлиши, кислоталилиги 4-5 г/л гача пасайиши лозим. Пишиш даврининг бошланиши 20-28 июл. Тўлиқ етилиши 8-17 сентябр. Юқори ҳосилли навларга киради. Ер ток тизимида ҳосили 200-250 ц/га боради. Қуритилган узумда қанд 70% гача, 1,2 % титр кислотаси мавжуд. Қуритилган маҳсулотни чиқиши 25-28%. Навни етиштириш учун энг қулай ҳудудлар Самарқанд, Ургут, Китоб, Шахрисабз ва Яккабоғ тоғолди ҳудудлари ҳисобланади.



Узумнинг маҳаллий навлари, Тошкент шаҳри бозорларида, Ўзбекистон


Ушбу буклет “Марказий Осиёда “*In situ/On farm* шароитида агробиохилмаҳилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аجدдлари)” регионал лойиҳаси натижалари бўйича ишлаб чиқилган. Лойиҳа Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистонда амалга оширилмоқда ва Бирлашган Миллатлар ташкилотининг агроф-мухитни муҳофазалаш дастури (UNEP) қўмағида Глобал Экологик Фонди (GEF) орқали молиялаштирилиб, Bioversity Internationalда мувофиқлаштирилади.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

“Марказий Осиёда *In situ/On farm* шароитида агробиохилмаҳилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аجدдлари)” (Ўзбекистон компоненти) Bioversity International UNEP-GEF лойиҳасини амалга ошириш Миллий бўлими.

Ўзбекистон Республикаси фанлар Академиясининг генетика ва ўсимликларнинг экспериментал биологияси институти. Манзил: 111226 Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз маҳалласи. Тел./Факс: (+99871) 2647801 Эл. почта: abd_uzbek@mail.ru

Тузувчи: Ю.М.Джавакянц
Проф. А.Қайимов таҳрири остида
Дизайн: Холмуротов М.



УЗУМНИНГ МАҲАЛЛИЙ НАВЛАРИ
(*Vitis vinifera*)

“Марказий Осиёда “*In situ/On farm* шароитида агробиохилмаҳилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аجدдлари)” (Ўзбекистон компоненти) Bioversity International /UNEP-GEF лойиҳаси

УЗУМНИНГ МАҲАЛЛИЙ НАВЛАРИ

Ўзбекистонда экиладиган ўсимликлар орасида узум алоҳида ўринни эгаллайди. Табиий иқлим ва тупроқ шароитлари навларнинг яхши ўсишига, йирик - кўркам узум бошлари ва доналари ҳосил бўлишига, яхши таъм ва қанд моддасининг кўп миқдорда тўплашга имкон яратади. Шунинг учун республика аҳолисини ўсиб бораётган талабини қондириш ва четга экспорт қилиш учун маҳаллий хўраки навларни ўстириш мақсадга мувофиқдир. Узумни яхши маҳаллий навларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш навлар сифатини яхшилайти, бу эса аҳолини қимматли озуқа маҳсулотига бўлган талабини қондиришга имкон яратади.



Андижон қора нави

Андижон қора нави. Ўрта муддатда пишадиган маҳаллий селекция нави (августни 1-ўн кунлиги). Узум боши ўртача катталиқда (18-13 см), вазни 200-220 г. Донаси йирик (25x17 мм), ранги қора, чўзинчоқ овал шаклида, пўсти юпқа, пишиқ. Ҳосилдорлиги юқори 170-180 ц/га. Ун шудринг касалига чидамли. Тўла пишганда 27-28% қанд моддаси йиғилади.

Қора жанжал. 20-25 августда тўлиқ пишадиган нав. Узум боши йирик (22x13 см), меваси йирик, эти серсув, тигиз қарсилдоқ. Ҳосилдорлиги юқори 220-250 ц/га. Ун шудринг касалига чидамли. Узум тўла пишган даврда шарбатининг қандлиги 25-27%, кислоталиги 3,5-4,5 г/л.



Қора жанжал нави

Сохиби. Боши йирик (24x14 см). Узум меваси йирик (25x18 мм), овал шаклида, ранги қора-пушти. Августнинг охири сентябрнинг бошларида пишди. Ҳосилдорлиги ўртача 17,5 т/га. Узум бошининг оғирлиги 460-470 гр. Ун шудринг касаллигига чидамли. Тўлиқ пишганда қанд моддаси 21,2%, кислоталиги 4,2 г/л.



Сохиби нави

Паркент. Тарқалган жойи асосан Паркент ва Оҳангарон тоғолди худудлари ҳисобланади. Узум боши йирик 18-25 см, меваси йирик (узунаси 19-24 мм). Ҳосилдорлиги юқори 180-200 ц/га. Узум бошининг ўртача вазни 300 г.



Паркент нави



Султони нави

чидамли.

Пушти Тоифи. Саноатбоп хўраки нав. Узум боши йирик, узунлиги 19 дан 31 см гача, эни 20-23 см. Меваси йирик (узунлиги 21-28 мм, эни 14-24 мм), қуёш нури тушган томонида ранги тиниқ пушти рангдан қизилгача. Сентябрьни учинчи ўн кунлигида тўлиқ етилади. Ҳосилдорлиги 160-280 ц, айрим ҳолларда - 350 ц гача боради. Бошини ўртача вазни 700 г, айримлариники 2,5-3,5 кг гача боради.



Пушти тойфи нави

Оқ хусайни. Боши йирик ёки жуда йирик (узунлиги 18 дан 50 см гача, эни 10-15 см). Меваси йирик (узунлиги 25-38, эни- 15-2 мм). Таъми яхши, эти ширадор мулойим ширин, тетиклантирувчи кислотага эга. Тошкент вилояти шароитида меваларини етилиши август ойининг ўртаси ёки охири ўн кунлигига тўғри келади. Ҳосилдорлиги 17-18 тн/га.



Оқ хусайни нави

Ичкимар. Ўзбекистоннинг маҳаллий хўраки нави. Тошкент, Сирдарё, Наманган ва Самарқанд вилоятларида кўп учрайди. Боши катта, узунлиги 30 см гача боради. Донаси йирик (28x23 мм), ранги қора-қизил. Нав ўрта муддатларда пишди. Ўсиш даври 132-149 кун давом этади. Ҳосилдорлиги ўртача 100-120 ц/га. Узум бошини ўртача оғирлиги 440-450 гр. Антракноз ва уншудринг касалликларига чидамли. Узум тўла етилиб пишганда қанд моддаси 20-22% гача боради, кислоталиги 6,5-4,4 г/л.




Ичкимар нави

Каттақўрғон. Ўрта Осиёнинг кечки муддатларда пишадиган жуда йирик шарсимон хўраки майизбоп узум нави. Ўзбекистон бўйича районлаштирилган. Бошини катталиги 20-22 см, тухумсимон, меваси шарсимон, катталиги 30x30 мм. Ранги оч-яшил, қуёш томонида сарғишроқ. Новдаларнинг ўсиши кучли. Ҳосилдорлиги юқори 150 ц/га. Тўлиқ физиологик етилганда қанд моддасининг миқдори 22-23%, кислоталиги 3-3,5 г/л ни ташкил этади. Ундан юқори сифатли йирик майиз изюм-гермиан тайёрланади. Қуритилган маҳсулот миқдори 23% ни ташкил қилади.



Каттақўрғон нави

Китоб сурхаги. Эрта пишадиган хўраки халқ селекцияси нави. Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида учрайди. Ўзбекистон бўйича районлаштирилган. Боши йирик (узунлиги 17-20 см, эни 14-16 см). Узум донаси йирик (узунлиги 22-25 мм, эни 16-18 мм), тўқ пушти рангда. Эти ширали қарсилдоқ. Мевасининг тўлиқ етилиши 18-24 июл. Ҳосилдорлиги 16 т/га. Узум бошининг ўртача вазни 415 г.



Китоб сурхаги нави